


# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



## ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА РЕФЛЕКСИВЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

**Н.И.Халилова-**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги униерситети  
“Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” кафедраси,  
профессори

**Аннотация.** Ўспиринлик даврида рефлексивликни ривожланишининг психологик омилларини ўрганишга эътибор қаратилган. Айниқса, ўспиринлик даврида рефлексивликни ривожланиши шахсдаги “Мен” сиймосини шаклланиши билан боғлиқлиги қўрсатиб берилган. Шунингдек, ўспиринлик даврида рефлексивликни ривожланганлик даражаси эмпирик тадқиқотлар асосида ўрганилган.


**Калит сўзлар:** ўспиринлик, ўсмирлик, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, рефлексия, рефлексивлик, катталик ҳисси, “Мен” сиймоси, ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи бошқариш.

## ДИНАМИКА РАЗВИТИЯ РЕФЛЕКТИВНОСТИ В ЮНОШСКОМ ВОЗРАСТЕ

**Халилова Н.И.-**профессор кафедры «Учебно-психологического обеспечения служебной деятельности» Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

**Аннотация.** Акцентируется внимание на изучении психологических факторов развития рефлексивности в подростковом возрасте. Показано, что развитие рефлексивности в подростковом возрасте особенно связано с формированием у личности фигуры «Я». Также на основе эмпирических

# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



исследований изучен уровень развития рефлексивности в подростковом возрасте.

**Ключевые слова:** юношеские возраст, подростковый возраст, самосознание, самооценка, рефлексия, рефлексивность, чувство размера, фигура «Я», самоанализ, самоконтроль.

## DYNAMICS OF DEVELOPMENT OF REFLECTIVENESS DURING ADOLESCENCE


**N.I.Khalilova**-Professor of the Department of "Educational-Psychological Support of Service Activity", Public Security University of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** Attention is focused on the study of the psychological factors of the development of reflexivity during adolescence. It has been shown that the development of reflexivity during adolescence is especially related to the formation of the figure of "I" in the individual. Also, the level of development of reflexivity during adolescence has been studied on the basis of empirical studies.

**Key words:** adolescence, self-awareness, self-evaluation, reflection, reflexivity, sense of size, figure of "I", self-analysis, self-control.

Ўспиринлик ўсмирилкдан катталиkkача бўлган даврдаги қисқа муддат бўлиб, унинг ёш чегараси 15-16 ёшдан 21-25 ёшгacha бўлган даврни ўз ичига олади. Айнан ўспиринликда инсоннинг шахс ва фуқаро сифатида шаклланиши рўй беради. Муболагасиз уни шахснинг иккинчи туғилиш даври деб айтиш мумкин. Ўспиринликнинг энг муҳим маънавий вазифаси шахсий ва касбий ўзини ўзи англаш жараёнидир. Ўспирин ўзига ва бошқаларга нисбатан ички позицияни (мақомни) шакллантиришга ҳаракат қиласи (Мен кимман?, Нима


# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



учун яшаяпман?, Ҳаётда мен ким бўлишим мумкин?). Ўспиринлик даврида ҳаётий қадриятларни танлаш муаммоси жуда кучли кечирилади. Айнан ўспиринлик даврида эзгулик ва ёвузлик, орият ва орсизлик, хукуқ ва мажбуриятлар каби категорияларни англаши ҳамда ҳаётга нисбатан ўзининг ички муносабатини танлайди. Мазкур муаммолар ўспирин учун тенгдошлар ва ўзи билан бўладиган қайноқ тортишувларнинг предмети ҳисобланади. Рефлексия ўспиринлик даврида жуда катта маънавий вазифани бажаради, яъни айнан у туфайли муҳим кашфиёт – ўзининг ички оламини кашф этиш амалга оширилади [1]. Ўспириннинг ривожланган рефлексияси кўп фонли бўлиб, у ўзининг ҳис – туйғу ва кечинмаларини акс эттириш, ўзига нисбатан бошқа кишининг муносабатлари қанчалик самимий эканлигини аниқлаш имконини беради.

Рефлексия ўспириннинг ички дунёси майдонини уни динамик, жонли ва драматик қилинади. Тадқиқотчи Н.И. Руткина томонидан илк ўспиринлик давридаги рефлексияни ўрганишга бағищланган тадқиқотларида кўрсатилишича, 9 -10 синф ўқувчиларининг 80 % ида шахсий режадаги рефлексия позицияга (мақомга) ўтишда мулоқотдаги низоли вазиятлар (82 % текширилувчиларда муҳим қўзғалувчи сифатида намоён бўлади ва юқори синф ўқувчиларининг ўзини ўзи таҳлил қилиш обьектига айланади [3]. Рефлексия ижтимоий тизимда конструктивдир: у ташқи оламга нисбатан шахсий мақомни аниқлашга ёрдам беради. Бу ёшда инсон ўзининг кейинги давридаги ривожланиши орқали ёки моддий қулайлик учун буни амалга оширади. Мазкур танлов ёшларнинг қадриятли йўналганлиги, рефлексияга нисбатан қобилиятидаги фарқни аниқлайди. Маънавий имкониятларига кўра, мазкур ёш даври рефлексияга нисбатан қобилиятнинг ривожланишда инсонга

# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR




ҳеч нарса бермаслиги мумкин. В.С. Мухинанинг таъкидлашича, мана шу даврни яшаб туриб психологик жиҳатдан ўсмир бўлиб қолиши мумкин [1].

Рефлексияни ривожланиши учун сензитив давр – ўсмирик ва ўспиринликдир. Катталардаги рефлексив қобилиятни ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларда аниқлашича, унинг кейинги ривожланиши маҳсус ташкил этилган таълим жараёнини маҳсули бўлиб, ўсмир ва ўспиринлик давридагига нисбатан жадал суръатларда кечмаслиги мумкин [4]. Бошқача қилиб айтганда, йиллар ўтиши билан катта киши ҳаётий донолиги билан ўз интеллектуал тажрибасини бойитиб бориши мумкин. Бироқ, ақлнинг рефлексив хоссаларида бу ҳолат кузатилмайди, чунки рефлексиянинг автоматик ривожланиши мумкин эмас [5]. Бунинг устига, тажрибада кўрсатилишича, ўспиринларда ақлнинг рефлексив интилганлиги йиллар ўтиши билан ўтмаслашиб боради.

Шу муносабат билан савол туғилади, ўзи билан ўзи ички диалогга эга бўлган бундай ажойиб қобилиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун нима қилиш керак? Нафақат соғлом фикр, балки тадқиқот натижалари (Найденов 1989, Семенов 2000) шуни тасдиқлайдики, рефлексиянинг инсон онгига мавжуд бўлишини ягона усули – маданий бойлик, мантиқий фикрларга тўлиқ мухитдир. Таъкидлашича, рефлексиянинг прогрессив ўзгариши инсон онгининг “ўзига йўналганлигини” акс эттиришини доимий барқарор ва мақсадга мувофиқлигини мустаҳкамлашдир [2].

Бундан ташқари, илк ўспиринлик даврида операцион соҳанинг ривожланиши касбий билимларни ўзлаштириш, маҳорат, кўникуммага эга бўлиш юзага келади [6].

# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



Муаллифлар ўспирин шахсини ривожлантиришнинг қўйидаги даврлаштиришларини тақдим этадилар:

Биринчидан, унинг ҳаёт даврини барчасини қамраб олади, инсон психик тараққиёти қонуниятларига асосланган бўлади, ижтимоийлашув даврининг давом этишини ҳисобга олади, иккинчидан эса, замонавий шароитда ёшларнинг шахсий ва касбий ўзини ўзи англашини шартлайди.

Ўспиринлик даврида ўзини ўзи англаш аҳамиятли ўзгаришлар кечади – шахсий қадриятларнинг аҳамияти ошади, шахснинг ўз сифатларига берган хусусий баҳоси унинг яхлит ҳолда ўзига нисбатан муносабатини оширади. Бу ёшда инсон ўзининг олами билан боғлиқликни ҳис қиласи.

Маълумки шахс шаклланиши ўзига хос тараққиёт босқичига эга. Айниқса, шахснинг ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи тарбиялаш каби рефлексив жараёнларни ривожланиши билан тавсифланади. Шу боис, тадқиқотда хусусан, турли ёш даврларида рефлексивликни ривожланганлик даражасини текшириш мақсадида “Рефлексивлик даражасини аниқлаш” (В.В.Понамарёв) методикаси ва “Рефлексивликнинг устувор стратегияларини ўрганиш” сўровномаси ёрдамида эмпирик маълумотлар тўпланди.

## 1.-жадвал

3-курс талабаларида рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги алоқадорлик хусусиятлари

(К.Пирсон корреляцияси мезони бўйича)

# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



Рефлексивлик йўналишлари	Ўз-ўзига	Бошқа инсонларга	Ўтмишдаги
фаолиятга	Хозирги фаолиятга	Келажакдаги фаолиятга	Бошқалар
билин ҳамкорлик ва мулоқотга			
Рефлексивлик йўналишлари	Ўз-ўзига	Бошқа инсонларга	Ўтмишдаги
фаолиятга	Хозирги фаолиятга	Келажакдаги фаолиятга	Бошқалар
билин ҳамкорлик ва мулоқотга			
Ўз-ўзига	1	0,50**	0,11 0,01 0,07 0,20**
Бошқа инсонларга		0,50**	1 0,09 0,06 0,21** 0,14
Ўтмишдаги фаолиятга	0,11	0,09	1 0,49** 0,41** 0,39**
Хозирги фаолиятга	0,01	0,06	0,49** 1 0,41** 0,65
Келажакдаги фаолиятга		0,07	0,21** 0,41** 0,41** 1 0,43**
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	0,20**	0,14	0,39** 0,65**
	0,43**	1	


Ўспиринлик даврида рефлексивлик хусусиятларидаги динамик ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадида мазкур методикалар бўйича 3-курс талабаларининг кўрсаткичларига эътибор қаратилди. Тадқиқот жараёнида рефлексивлик даражалари ва рефлексивлик стратегияларининг нам о ён бўлиш хусусиятларини текширишга ҳаракат қилинди. Тажриба натижалари асосида 3-курс талабалари групхуда рефлексивлик хусусиятлари бўйича эмпирик маълумотларни тўплаш имкониятига эга бўлинди.

# ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



Таңд қиқот натижаларига асосланиб, талабалик даврида рефлексивлик хусусиятини ўрганиш натижаларини ўзаро таққослаш орқали улар ўртасида фарқли жиҳатлар мавжудлиги кузатилди. Хусусан, ўз-ўзига йўналганлик бошқа инсонларга йўналганлик ( $r=0,50$ ;  $p \leq 0,01$ ), бошқала р билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ( $r=0,20$ ;  $p \leq 0,01$ ) билан кучли даражада алоқадорликка эга. Бундан кўринадики, 1-курс талабалари ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, бошқариш каби рефлексив жараёнларнинг ривожланиши учун улар га бошқалар билан ҳамкорликдаги фаолият ва шахслараро муносабат ҳамда мулоқотга эҳтиёж сезмасликларини кўрсатган бўлсалар, 3-курс талабалари эса атрофдаги инсонларнинг муносабатлари муҳим эканлигини кўрсатадилар. Бу ўз навбатида ривожланиш психологияси нуқта и назаридан оладиган бўлсак, мазкур давр учун хос хусусият сифатида кўрсатиш мумкин. Бошқа инсонларга йўналганлик ўз-ўзига йўналганлик ( $r=0,50$ ;  $p \leq 0,01$ ), келажакдаги фаолиятга рефлексия ( $r=0,21$ ;  $p \leq 0,01$ ) билан аҳамиятли боғлиқлик кузатилади.

Рефлексивлик даражаларидан ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия ( $r=0,49$ ;  $p \leq 0,01$ ) келажакдаги фаолиятга рефлексия ( $r=0,41$ ;  $p \leq 0,01$ ), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексияси ( $r=0,39$ ;  $p \leq 0,01$ ) билан кучли даражада алоқадорликни қайд этади. Кўрсаткичларнинг бундай тартибда бўлиши кўп ҳолларда давр хусусиятлари, шахснинг ижтимоийлашув жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳозирги фаолиятга рефлексия билан ўтмишдаги фаолиятга рефлексияси ( $r=0,49$ ;  $p \leq 0,01$ ) келажакдаги фаолиятга рефлексия ( $r=0,41$ ;  $p \leq 0,01$ ), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ( $r=0,65$ ;




$p \leq 0,01$ ) билан ўзаро кучли боғлиқлик кузатилади. Шунингдек, келажакдаги фаолиятга рефлексия бошқа инсонларга йўналганлик ( $r=0,21$ ;  $p \leq 0,01$ ) ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ( $r=0,41$ ;  $p \leq 0,01$ ), ҳозирги фаолиятга рефлексия ( $r=0,41$ ;  $p \leq 0,01$ ), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқот рефлексияси билан ўзаро алоқадорлик мавжудлиги тажриба натижаларидан аниқланди. Шу ўринда айтиш лозимки, шахс келажак фаолиятидан кўзлаётган режаларини англаб ет и ш и учун, аввало, бошқалар билан ўзини таққослаши натижасида ўтмишдаги фаолиятидан хулоса чиқариш орқали ҳозирги куни ва келажак фаолиятларига нисбатан мақсадли режаларни қўя олиши лозим бўлади.

Эмпирик натижаларнинг таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқот рефлексияси ўртасида фарқли жиҳатлар кузатилади. Хусусан, 1-курс талабалар грухидаги рефлексивликнинг мазкур даражаси мустақил ҳодиса сифатида намоён бўлган бўлса, 3-курс талабаларининг натижаларида эса аҳамиятли боғлиқлик кузатилади. Жумладан, бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ўз-ўзига йўналганлик ( $r=0,20$ ;  $p \leq 0,01$ ), ўтмишдаги фаолият рефлексияси ( $r=0,39$ ;  $p \leq 0,01$ ), ҳозирги фаолиятга рефлексия ( $r=0,65$ ;  $p \leq 0,01$ ), келажакдаги фаолият рефлексия ( $r=0,43$ ;  $p \leq 0,01$ ) билан мустаҳкам боғлиқликни намоён этади.

Тадқиқот натижаларига асосланилган ҳолда шахсда рефлексивликнинг ёшга боғлиқ ривожланишида фарқли жиҳатлар кузатилишини таъкидлашимиз мумкин. ҳақиқатдан ҳам уларда ёшга боғлиқ равишда билимлар заҳирасининг ортганлиги ва дунёқарашнинг кенгайиши, шунинг асносида турмуш тарзининг буткул бойиши, ўзи ва ўзгалар ҳақидаги

# ILM – FAN TA’LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR



қарашларнинг ўзгариши рефлексив жараёнларга ўз таъсирини кўрсатганлиги тажриба натижаларида аниқланди.

## Ф о й д а л а н и л г а н адабиётлар

1. Мухина В.С. Возрастная психология: феноменология, развития, детство отрочество М.: Изд – во Академия 1997
2. Найденов М.М. Групповая рефлексия в решении творческих задач при различной степени готовности к интеллектуальному Автореф. канд. психол.наук. Киев 1989
3. Руткина Н.И. Личностная рефлексия в подростковом возрасте: Автореф дис. канд. психол. наук. – М. 1983
4. Тульвисте Т.К. О детерминации рефлексии в вербальном мышлении Дист.канд.психол.наук М. 1985
5. Холодная М.А. Психология интеллекта Парадоксы исследования – 2 ое изд., переробл и доп. – СПб.: Питер 2002
6. Щедровицкий Г.П. Коммуникация деятельность, рефлексия // Исследования рече-мысли и рефлексии. Алма – Ата 1979. С 138-154